

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАЙМОВ АСҚАР ЕСБОСЫНОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИ
МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШЛАРИНИНГ ИЛМий-МЕТОДИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Ибраймов Асқар Есбосынович

Умумтаълим мактаби физика ўқитувчилари масофавий малака
оширишларининг илмий-методик асосларини такомиллаштириш..... 3

Ибраймов Асқар Есбосынович

Совершенствование научно-методических основ дистанционного
повышения квалификации учителей физики общеобразовательных
школ..... 23

Ibraymov Asqar Yesbosinovish

Improving scientific and methodical bases of remote training of physics
teachers of secondary schools..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

ИБРАЙМОВ АСҚАР ЕСБОСЫНОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИ
МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШЛАРИНИНГ ИЛМий-МЕТОДИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.Phd/Ped59 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг www.tdpu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамадазимов Мамадмуса
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдукодиров Абдукаххор Абдувакилович
педагогика фанлари доктори, профессор

Турсунметов Комилжон Ахмедович
физика-математика фанлари доктори,
профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.С. Шарипов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н.

Б.С.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” долзарб вазифа сифатида белгиланди¹. Бу таълим тизимида педагоглар, жумладан, физика ўқитувчилари касбий фаолиятида методик тайёргарлик даражасини ошириш, ижодий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтирди.

Мустақиллик йилларида замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш, жумладан, умумтаълим мактабларининг ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларини халқаро талаблар асосида янгилаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислохатлар натижасида, жумладан, физика фанини замон талабларига мос жиҳозлар ва илғор усуллар асосида ўқитиш имкониятлари яратилди. Шулар билан бир қаторда физика фанининг амалиёт билан алоқасини таъминлаш ва янада чуқурроқ ўрганиш ишларини жадаллаштириш зарурати кўзга ташланмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² белгиланган вазифалар асосида умумий ўрта таълим сифатини тубдан оширилиши, муҳим ва талаб юқори бўлган фанлар, жумладан, физика фанини чуқурлаштирилган тарзда ўрганишни ташкил этилиши, ўқитувчиларнинг фаолият юритишлари учун қулай шароитлар яратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда жаҳонда физика ўқитишни масофавий амалга ошириш усуллариининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, индивидуаллаштириш ва интеллектуаллаштириш омилларини тадқиқ этиш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивацияни ошириш борасидаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини оширишда ўқув-методик таъминот сифати, амалий машғулотларнинг виртуал шакллариини жорий этиш, физика ўқитишнинг компетенциявий ёндашувга асосланганлик билан боғлиқ кузатилган муаммолар физика ўқитувчилари масофавий малакасини оширишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда. Мазкур заруратдан келиб чиқиб, физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар ҳамда ўқув мазмунини такомиллаштирилиши, амалий машғулотларни масофавий ўқитиш методикаси, технологияси ва дидактик асосларини ишлаб чиқилиши ўқитиш сифати самарадорлигини оширишда долзарб аҳамият касб этади.

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги «Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 234-сон, 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарлари, давлатимизда ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берган Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазкур тадқиқот ишининг методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Умумтаълим тизимида физикадан Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлар, ўқув адабиётларни компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича Республикада К.Турсунметов, Н.Турдиев, З.Сангирова, Қ.Суяров, Ж.Ўсаров, физика ўқитувчилари малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талабини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатлари Н.Раҳманқулова, М.Юлдашев, А.Бахрамов, МДҲ давлатларда И.Зимняя, Е.Бондаренко И.Ипатьева, хорижий давлатларда В.Адольф, И.Фрумин М.Кларин ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Физика ўқитиш методикаси муаммолари М.Джораев, С.Қаҳҳоров, М.Қурбонов, Ю.Маҳмудов, К.Насриддинов, физика ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш бўйича И.Билолов, Х.Маҳмудова, Б.Саттарова, Ш.Ташходжаев, О.Тигай, Г.Умарова, физикани модулли технология асосида ўқитиш М.Даминов, астрономия ўқитиш методикаси М.Мамадазимов, МДҲ давлатларда физика ва астрономияни масофадан ўқитиш Е.Веденеева, Н.Гомулина, О.Мирзабекова, А.Назаров, А.Чефранова, хорижий давлатларда D.Mamontov, T.Hinton, M.Shepherd ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Масофавий ўқитиш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари Республикада А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, Н.Елдашева, Н.Муслимов, Д.Сайфуров, Н.Тайлаков ва А.Аминов, Р.Исянов, Ж.Йўлдошев, Ш.Мардонов, Ш.Шарипов, М.Яхъяев ва Р.Джураев, С.Турғунов, МДҲ давлатларда А.Андреев, Н.Гаврилов, А.Корякина, О.Осипова, В.Парамзина, Е.Полат,

А.Шабанов, К.Шарифзянова хорижий давлатларда А.Bates, Z.Berge, J.Daniel, B.Holmberg, M.Douglas ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Таҳлилларга кўра, физикани масофавий ўқитиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, мактаб физика ўқитувчилари малакасини масофавий оширишнинг ўзига хос хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-141 “Олий таълим муассасалари педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли web технология асосида электрон-ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасига боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактаби физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш мазмуни ва ўқитиш технологияларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

физика ўқитишнинг Давлат таълим стандартлари ва физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

физика ўқитувчилари масофавий малакасини оширишнинг ўқув-методик таъминотини замонавий ўқитиш технологиялари асосида ишлаб чиқиш;

физикадан лаборатория ишлари, намойиш тажрибалари, масалалар ечишни ташкил этиш ва ўтказиш методикасини физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш шароитига мос равишда такомиллаштириш;

физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш моделининг компонентларини такомиллаштириш;

физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида масофавий касбий компетентлигини ривожлантириш, физика ва астрономия ўқитиш сифатини оширишга қаратилган ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти умумтаълим мактаби физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш курси “Мутахассислик фанлар” блокининг ўқитиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети умумтаълим мактаби физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш курси “Мутахассислик фанлар” блоки мазмуни, ўқитиш шакллари, методлари, воситалари ва технологиялари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, моделлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Давлат таълим стандартлари физикани ўрганишнинг бошланғич, таянч ва умумий даражалари таркибини белгилаш ҳамда масофавий малака ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талаблари физика ўқитувчиларининг коммуникатив, ахборот билан ишлаш, тадқиқотчилик, креативлик, лойиҳалаш, ўз-ўзини ривожлантириш компетентлигини ошириш омиллари асосида такомиллаштирилган;

масофавий малака ошириш мазмунини ишлаб чиқишга қўйиладиган дидактик талаблар асосида физика ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги даражасини оширишга қаратилган масофавий курсларнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

масофавий малака ошириш шароитида физикадан лаборатория ишлари, намойиш тажрибалари ҳамда масалалар ечишни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси табиий ва виртуал муҳит шакллари ўзаро интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

физика ўқитувчилари малакасини масофавий ошириш жараёнининг дидактик модели мақсади, концептуал, технологик, баҳолаш-назорат компонентлари мазмунини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида методик тайёргарлиги ҳолатини ўрганиш ва аниқланган бўшлиқлар билан ишлашга қаратилган касбий компетентлилик даражасини оширишнинг масофавий ўқитиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

физикани компетенциявий ёндашув асосида ўқитишга оид таклифлари умумтаълим тизимида физика ўқитиш концепцияси, Давлат таълим стандартлари ва физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талабларида акс эттирилган;

физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш курси “Мутахассислик фанлар” блокининг такомиллаштирилган ўқув-методик таъминоти Халқ таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи кенгаши қарори асосида амалиётга жорий этилган;

физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш шароитида физикадан лаборатория ишлари, намойиш тажрибалар, масалалар ечишни табиий ва виртуал шаклларда ташкил этиш ва ўтказиш методикаси амалиётга жорий этилган;

физика ва астрономияга оид электрон-ахборот таълим муҳити ишлаб чиқилган ва унда физика ўқитувчиларининг касбий фаолиятида масофавий компетентлигини ривожлантириш технологиялари амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш курси мазмуни, амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси такомиллашгани, физика ва астрономия ўқитишнинг стандарт даражалари, компетенцияларни ўқувчиларда шакллантириш сифатини таъминлашга қаратилган физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида даврий ва узлуксиз касбий компетентлигини ривожлантириш технологиялари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти масофавий малака ошириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўқув дастурлар, ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда ва физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талабларини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий фаолияти давомида даврий ва узлуксиз касбий компетентлигини ривожлантириш фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактаби физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-методик ва амалий таклифлар асосида:

физикани ўрганишнинг бошланғич, таянч ва умумий даражалари таркибини белгилаш ҳамда малака ошириш тизимида физика ўқитишни такомиллаштиришга доир таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 28 июлдаги 4-сон Ҳайъат қарори билан тасдиқланган мактабда физика ўқитиш концепцияси ва Давлат таълим стандарти, малака ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талабларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 декабрдаги 01-02/1-7-359-сон маълумотномаси). Натижада физика фанига оид умумий ва таянч компетенциялар, стандарт даражалари ишлаб чиқилган ва физика ўқитувчилари масофавий малака оширишининг минимал мазмуни белгиланган;

масофавий малака ошириш мазмунини ишлаб чиқишда қўйиладиган дидактик талаблар асосида физика ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги даражасини оширишга қаратилган методик таъминоти мазмуни «Халқ таълими муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган Давлат талаблари» («Ўзстандарт» агентлигида 2013 йил 5 мартда O'zDSt 2767:2013 3523-қайд рақаами билан рўйхатга олинган) мазмунига сингдирилган ҳамда Халқ таълими вазирлигининг методик ишларни мувофиқлаштирувчи гуруҳи йиғилишининг 2016 йил 30 августдаги 5-сонли баёни билан амалиётга йўналтирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 18 октябрдаги 01-02/1-3-318-сон маълумотномаси). Натижада умумтаълим мактаби физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш курси “Мутахассислик фанлар” блокинни такомиллаштиришга имкон берган;

физикадан амалий машғулотларни масофавий малака оширишда табиий ва виртуал муҳит шаклларида ўзаро интеграциялашга оид таклифлари Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 3 августдаги 172-сон буйруғи асосида амалиётга жорий этилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 18 октябрдаги 01-02/1-3-318-сон маълумотномаси). Натижада физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш курси ўқув дастурлари мазмуни лаборатория ишлари, намойиш тажрибалари ҳамда масалалар ечишни табиий ва виртуал шаклларда ташкил этиш имконини берган;

физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида компетентлигини такомиллаштиришга оид таклифлари асосида “Умумтаълим мактаб физика ўқитувчиларининг мустақил равишда доимий малака оширишини таъминловчи электрон ахборот таълим муҳитини ишлаб чиқиш ва амалиётга

жорий этиш” мавзусидаги лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 декабрдаги 01-02/1-7-359-сон маълумотномаси). Натижада физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида методик тайёргарлиги ҳолатини ўрганиш ва аниқланган бўшлиқлар билан ишлашга қаратилган касбий компетентлилик даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, 15 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Умумтаълим мактаби физика ўқитувчилари малакасини ошириш тизимида масофавий ўқитишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида физика ўқитувчилари малакасини оширишда масофавий ўқитишдан фойдаланиш ҳолати, ўқитишнинг замонавий ёндашув, тамойиллари, шакл, метод, воситалари таҳлил қилинган ҳамда физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш мазмунини такомиллаштиришга қўйиладиган дидактик талаблари баён этилган.

Ҳозирги кунда ўқитишнинг замонавий ёндашувлари, тамойиллари асосида ўқитиш жараёни элементларини лойиҳалаш, ўрганишнинг усуллари ва қоидаларини индивидуаллаштириш ва интеллектуаллаштириш, бериладиган билимларни инсонпарварлаштириш, ўқув материалларининг ижодий қабул қилиниши, қўлланиладиган дидактик воситалар коммуникативлиги ва ахборотлилиги, таълим олишга юқори мотивация уйғотишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ёндашувлар физика ўқитувчиларининг малакасини малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида анъанавий

шаклда (анъанавий шакл) оширишдаги физикани назарий ва амалий жиҳатдан ўқитишнинг маъруза, семинар, лаборатория иши, намоёиш тажрибалари, масалалар ечиш, назорат иши, малака иши, маслаҳат, мустақил ишлар каби мавжуд шакллари замонавий ёндашувлар асосида масофавий малака ошириш шароитига мослаштирилган ҳолда амалиётга жорий этишни тақоза этади.

Масофавий малака оширишда физикани назарий жиҳатдан ўқитиш жараёнида ўқув материаллари физика ўқитувчиларига электрон маъруза шаклида тақдим этилади. Физика ўқитувчилари ўқув материалларини электрон шаклда мустақил ўзлаштириш жараёнида, уларга методик ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар бериш индивидуал ва гуруҳлараро амалга оширилади. Ўқув материалларини назарий жиҳатдан ўзлаштиришда ўз-ўзини текшириш, ўз-ўзини тузатиш, ўқув жараёнида эришган натижаларини бошқалар билан муҳокама қилиш, тажриба алмашиши физика ўқитувчиларнинг танқидий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки физика индукция методи асосида физик жараён ва ҳодисаларнинг турли далиллари мазмунини таҳлил қилиб, умумий хулосалар чиқариш, дедукция методи асосида умумий хулосалар асосида айрим мустақил фикрларга келиш каби жараёнлар асосида ўрганилади.

Физикадан назарий жиҳатдан ўзлаштирилган билимларни амалий машғулотларда қўллаш орқали мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Физика амалий тажрибаларга асосланадиган экспериментал фан бўлгани учун унга доир назарий билимларни тегишли намоёиш тажрибалар ўтказиш, лаборатория ишларини бажариш ва масалалар ечиш асосидагина пухта мустаҳкамлаш мумкин. Шу сабабли физикани ўқитишда ўқитувчиларга назарий билимлар бериш билан бирга, бу билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва амалиёт билан боғлаш учун лаборатория ишлари, намоёиш тажрибалар, масалалар ечишни ташкил этиш ва ўтказиш таълим жараёнининг муҳим компонентларидан ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида физикани амалий жиҳатдан ўргатишда баъзи муаммолар юзага келди. Жумладан, умумтаълим мактаби физика ўқитувчилари малакасини масофавий ошириш марказларида таъминланган ўқув-лаборатория жиҳозларининг барчаси машғулотларни синф-дарс шаклида ташкил этиш ва ўтказишга мўлжалланган. Масофавий малака оширишда эса, мазкур машғулотлар виртуал шаклда ташкил этилиши ва ўтказилиши зарур.

Ўтказилган тадқиқотлар жараёнида шундай хулосага келдик, агар физикадан лаборатория ишлари, намоёиш тажрибалар, масалалар ечишни табиий ҳолатда ташкил этиш ва ўтказиш йўли танланса - ўқитувчилар замонавий усуллардан фойдаланишни билмай қолишади, агар мазкур машғулотларни ўқитишни виртуал шаклда ташкил этиш ва ўтказиш йўли танланса - унда ўқитувчилар ҳақиқий асбоб-ускуналар билан ишлаш, яъни табиий усуллардан йироқлашади.

Бизнинг фикримизча, масофавий малака оширишда лаборатория ишлари, намойиш тажрибалар, масалалар ечишни ўқитувчиларга ҳар иккала услубда, яъни ҳам табиий, ҳам виртуал шаклларда интеграциялашган ҳолда параллел ўқитиш самарадорликка эришиш йўлларида бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, анъанавий шаклда малака ошириш жараёнидаги физикани назарий ва амалий жиҳатдан ўқитиш шакл ва услубларини, масофавий малака ошириш шароитида замонавий дидактик талаблар асосида такомиллаштириш зарур эканлиги маълум бўлди.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида физиканинг амалиёт билан алоқасини таъминлаш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида даврий ва узлуксиз равишда методик тайёргарлик даражасини ошириш, ижодий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган технологияларини жорий этиш зарурияти аниқланди.

Физика ўқитувчиси мактабда физика билан биргаликда астрономия ўқитишни олиб боради. Бу борада давлатимиз томонидан “астрономия ва аэроавтика фаолияти соҳасидаги миллий ва умумжаҳон илм-фанининг янги ютуқларини ўрганиш ва ўзлаштиришга бўлган интилишини ривожлантириш, ёшларни аэроавтика фани ва техника асосларини эгаллаши учун шарт-шароит яратиш”³ каби вазифанинг қўйилиши физика ўқитувчиси олдида ушбу йўналиш бўйича янада чуқурроқ билимга эга бўлишини талаб этади.

Диссертациянинг **“Умумтаълим мактаби физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида физика ўқитиш бўйича лаборатория ишлари, намойиш тажрибалар, масалалар ечишни масофавий малака ошириш жараёнида табиий ва виртуал шаклларда интеграциялашган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, физика ўқитувчилари масофавий малакасини оширишнинг дидактик модели, уларнинг касбий фаолияти давомида масофавий шаклда компетентлигини ривожлантириш технологиялари ҳамда малака ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талабларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Тадқиқот жараёнида умумтаълим мактаби физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш дидактик модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Моделнинг таркиби мақсад ва мазмунни белгилаш, концептуал, мазмун, технологик, баҳолаш-назорат компонентларини ўз ичига олади.

Моделнинг мақсад ва мазмунни белгилаш компонентида:

моделнинг мақсади физика ўқитувчиларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини чуқурлаштириш ва янгилашни масофавий амалга ошириш;

моделнинг мазмуни умумтаълим мактаби физика ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талаблари, физика ўқитишнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлар, дарслик, ўқув қўлланма ҳамда бошқа ўқув-методик адабиётлар асосида белгиланади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги “Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва «Астрономия ва аэроавтика» боғини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3275-сон қарори. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 38-сон, 1032-модда



1-расм. Умумтаълим мактаби физика ўқитувчилари малакасини масофавий оширишнинг дидактик модели

Концептуал компонентида физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш – андрогогик, компетенциявий, лойиҳалаш, синергетик, тизимли-фаолиятли, амалиётга йўналтирилганлик, шахсга йўналтирилганлик, эвристик ёндашувлар ва касбий йўналтириш, ҳамкорликда ўқитиш, таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, индивидуаллаштириш, модулли ўқитиш, кўргазмалилик тамойиллар асосида амалга оширилиши назарда тутилди.

Мазмун компоненти физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш курсининг “Мутахассислик фанлари” блоки бўйича модулли ўқув дастурлари, физика назарияси ва ўқитиш методикаси, физика ўқитиш жараёнига педагогик технологияларнинг татбиқи, физика ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш модулларининг ўқув-методик материаллари ва қўшимча материаллар, методик тавсиялардан иборат.

Технологик компонентида физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш жараёни қуйидаги 4 та ўқитиш шакли бўйича олиб борилди. Биринчиси - ўқув материалларини мустақил ўқиш ва мавзуларга оид ижодий топшириқларни бажариш; иккинчиси - тармоқ орқали машғулотларда иштирок этиш; учинчиси - тармоқ орқали оралиқ назорат ишларини бажариш; тўртинчиси - контакт-сессия машғулотларида иштирок этиш. Бу шаклларнинг ўқув жараёни синхрон ва асинхрон моделлар асосида амалга оширилди ҳамда айрим мавзуларга оид вебинарлар ташкил этилди.

Баҳолаш-назорат компонентида физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш ўқув жараёни сифатини ҳолисона ва сифатли назорат қилиш тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган турли усул ва методлар асосида амалга оширилди. Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши физика ўқитувчилари малака оширишда эгаллаган билим, кўникма ва малакалари ўрнатилган талабларга мос даражада бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, физикани амалий жиҳатдан ўрганиш алоҳида тадқиқот қилинди. Жумладан, лаборатория ишлари, намоёиш тажрибалар, масалалар ечишни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини оширишда табиий ва виртуал шаклда интеграциялашган ҳолда ишлаб чиқилди. Бунда машғулотларни табиий шаклда ўқитиш компонентларини виртуал шакл асосида ривожлантиришга тўғри келди.

Жумладан, физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш жараёнида лаборатория ишлари, намоёиш тажрибалар, масалалар ечишни ўтказиш методикасининг табиий шаклдаги – назарий тафсилоти, ўргатиш, амалда бажариш, назорат компонентларини виртуал шаклдаги – назарий тафсилоти, ўргатиш, амалда бажариш, назорат топшириқларини бажариш орқали ўз-ўзини текшириш, тьютор томонидан тингловчилар ўзлаштириш назорати, узлуксиз методик ёрдам, қайта такрорлаш (исталган вақтда, ўқитувчи касбий фаолиятининг турли даврларида) имконияти орқали узлуксиз равишда унинг амалий фаолиятига йўналтирилганлик каби компонентлар билан ривожлантирилган ҳолда ишлаб чиқилди (2-расм). Ушбу методикани амалиётда қўллаш учун физика ўқитувчилари масофавий малакасини ошириш курси ўқув дастурига алоҳида модуллар киритилди.



2-расм. Масофавий малака ошириш шароитида физикадан лаборатория ишлари, намойиш тажрибалар, масалалар ечишни табиий ва виртуал шаклларда интеграциялашган ҳолда ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий схемаси

Модулар асосида машғулотларни табиий ва виртуал шаклларда ўқитишни ташкил этиш ва ўтказиш қуйидаги икки хил шаклда амалга оширилди: биринчи, табиий шакли - малака ошириш институти аудиториясида контакт-сессия машғулотларида амалга оширилди; иккинчи, виртуал шакли - масофавий малака ошириш курси ўқув порталида тармоқ орқали мустақил ўқиш ва ижодий топшириқларни бажариш жараёнида амалга оширилди. Мазкур шаклларда ўқитишнинг 5 та усули ишлаб чиқилди: биринчиси - машғулотнинг назарий материалларини ўрганиш; иккинчиси - машғулотни видеодарс шаклида ўрганиш (синхрон ва асинхрон кўринишида); учинчиси - машғулотни виртуал шаклда амалий бажариш, натижаларини ҳисоблаш ва тегишли хулосалар чиқариш; тўртинчиси - машғулотда ўзлаштирилган билимларни назорат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш; бешинчиси - машғулот жараёнида тьютор ёки бошқа ҳамкасбларидан консультациялар олиш ва эришилган натижаларини муҳокама қилиш.

Ушбу модел ва методикалар асосида, жорий йилга қадар 1495 нафардан ортиқ физика ўқитувчиси малака оширишди ва сертификат олишди.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида умумтаълим мактаби физика ўқитувчиларининг мустақил равишда доимий малака оширишларини таъминловчи электрон ахборот таълим муҳити ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Мазкур муҳит асосида физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида методик тайёргарлиги ҳолатини ўрганиш ва аниқланган бўшлиқлар билан ишлашга қаратилган касбий компетентлилик даражасини оширишнинг масофавий ўқитиш технологиялари ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида компетентлигини оширишнинг масофавий ўқитиш технологиялари

Физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида масофавий шаклда касбий компетентлилик даражасини оширишнинг мақсади - мактабда физика ва астрономия ўқитишда A1, A1+, A2, A2+, B1, B1+ стандарт даражалар бажарилишини, физикага оид умумий ва таянч компетенцияларни ўқувчиларда шакллантиришни сифатли амалга ошириш учун физика ўқитувчиларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини чуқурлаштиришдан иборат.

Физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида масофавий компетентлилик даражасини ошириш қуйидаги илмий-методик ёндашувлар ва тамойилларни ўз ичига олади: илмий-методик ёндашувларга - синергетик, фаолиятли-компетентли, амалиётга йўналтирилган, эвристик, кластерли, акмеологик, футуралли ёндашувлар; илмий-методик тамойилларга - илмийлик, тизимлилик, кўргазмалилик, узлуксизлик, индивидуаллик, ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирилганлик, очиқлик тамойиллари киради.

Физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида масофавий касбий компетентлилик даражасини ошириш мақсадида қуйидагиларни ўз ичига олувчи масофавий ўқитиш технологиялари ишлаб чиқилди: физика ўқитувчисининг методик тайёргарлигидаги бўшлиқларни аниқлаш ва тўлдириб бориш; электрон таълим ресурсларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш; илғор тажрибаларни ўрганиш ва ўз тажрибаларини оммалаштириш; дарслик муаллифлари, илғор методистлар, ҳамкасблар билан методик тажриба алмашиш; физика ўқитувчиларига узлуксиз методик ёрдам кўрсатиш; фан - таълим - илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш ва олиб бориш; қисқа муддатли ўқувлар мазмунини лойиҳалаш, амалга ошириш ва унда иштирок этиш.

Шунингдек, мазкур вазифаларни сифатли амалга ошириш учун физика ўқитувчиларининг педагогик, коммуникатив, электрон-ахборот таълим муҳитида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, тадқиқотчилик, креативлик, башорат қилиш, лойиҳалаш ва методик компетентлигига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синовини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.


Тажриба-синов ишлари тўртта, аниқловчи (2008-2009), таъкидловчи (2010-2012), шакллантирувчи (2013-2014), яқунловчи (2015-2016) босқичлардан иборат бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси (ҚР), Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида ўтказилди. Тажриба-синов натижаларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳларидаги тингловчиларнинг курс бошидаги ва курс охиридаги билим савияси кўрсаткичлари яқунловчи босқичга нисбатан ўзаро таққосланди. Бунда 2016 йили ташкил этилган анъанавий малака ошириш курслари назорат гуруҳи (151 нафар) ва масофавий малака ошириш курслари тажриба гуруҳи (157 нафар) сифатида танланиб, курс боши ва охиридаги (кириш, чиқиш тест синовлари) натижалар таққосланди (1-жадвал).

Тажриба-синов ишлари натижалари самарадорлиги

Худудлар	Назорат гуруҳи			Тажриба гуруҳи		
	Тинг. сони	Курс бошидаги натижа (%)	Курс охиридаги натижа (%)	Тинг. сони	Курс бошидаги натижа (%)	Курс охиридаги натижа (%)
ҚР	26	39,0	74,0	30	38,0	79,0
Хоразм	25	38,0	78,0	25	40,0	84,0
Бухоро	25	39,0	74,0	27	40,0	82,0
Самарқанд	25	38,0	80,0	24	39,0	86,0
Фарғона	25	40,0	80,0	26	40,0	89,0
Тошкент в	25	33,0	78,0	25	39,0	82,0
Жами	151	37,8	77,3	157	39,3	83,6

Тажриба-синов ишларининг якуний босқичида назарий ва эмпирик методлардан фойдаланилди. Тадқиқот натижалари ягона тизимга солиниб, математик ва статистика методлари асосидаги таҳлилни амалга оширишда Вилкоксон - Манн - Уитни (ВМУ) мезонидан фойдаланилди.

Назорат ва тажриба гуруҳлари тингловчилари билим савияси натижалари ўртача қийматини таққослаш уларнинг курс бошида деярли бир хил (37,8 % ва 39,3%) эканини, курс якунида сезиларли даражада (77,3% ва 83,6%) фарқланишини кўрсатди, яъни физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш курсларига мунтазам киритилиб борилган янгиликлар, такомиллаштиришлар асосида курслардаги самарадорлик анъанавий малака ошириш курсига нисбатан ўртача 6,3% ўсишига эришилган (4-рasm).



4-рasm. Назорат ва тажриба гуруҳларининг курс боши ва охиридаги самарадорлик натижалари

Тажриба-синов натижаларининг математик ва статистика методлари асосида таҳлил қилишда фойдаланилган ВМУ мезони таққосланаётган иккита танланманинг абсолют қийматлари билан эмас, балки танланмалар элементларини жуфт-жуфт солиштириш натижаларига асосланади.

Тажриба-синов қийматларининг мослиги ёки фарқ қилиши ишончилигини ВМУ мезони ёрдамида аниқлаш қуйидаги алгоритм асосида амалга оширилади:

1. Таққосланаётган танланмалар учун ВМУ мезонининг эмпирик қиймати $W_{эмп.}$ ҳисобланади.

2. Мазкур қиймат $W_{0,05} = 1,96$ чегаравий (критик) қиймат билан солиштирилади: агар $W_{эмп.} \leq 1,96$ бўлса, у ҳолда таққосланаётган танланмаларнинг тавсифлари 0,05 даражада мос келади, деб хулоса қилинади; агар $W_{эмп.} > 1,96$ бўлса, у ҳолда таққосланаётган танланмаларнинг тавсифномалари фарқи 95% ни ташкил қилади, деган хулосага келинади.

Тажриба-синов натижалари юқорида қайд этилган алгоритмга биноан таҳлил қилинганда тажриба ва назорат гуруҳларидаги тингловчиларнинг курс бошидаги билим савиялари ҳақидаги маълумотлар бўйича ВМУ мезони эмпирик қиймати $W_{эмп.} = 1,36$ ни ташкил қилди. $W_{эмп.} = 1,36 \leq 1,96$ бўлгани учун таққосланаётган танланмаларнинг тавсифлари 0,05 даражада мос келади, деб хулоса қилиш мумкин, яъни назорат ва тажриба гуруҳидаги тингловчилар курс бошидаги билим даражасида фарқ камлиги тасдиқланди.

Аксинча, тажриба ва назорат гуруҳларидаги тингловчиларнинг малака ошириш курслари сўнггидаги билим савиялари ҳақидаги маълумотлар бўйича ВМУ мезонининг эмпирик қиймати $W_{эмп.} = 2,56$ ни ташкил қилди. $W_{эмп.} = 2,56 > 1,96$ бўлгани учун таққосланаётган танланмаларнинг тавсифлари фарқи ишончилиги 95% ни ташкил қилади, деган хулосага келинади, яъни назорат ва тажриба гуруҳи тингловчиларининг курс сўнггидаги билим даражаси сезиларли даражада фарқ қилиши исботланди.

